# Jurnal haqida




**«Ёш олимлар ахборотномаси»**

**«Вестник молодых ученых»**

**«The Bulletin of Young Scientists»**

**илмий-амалий ахборотнома тўғрисида маълумот**

1. «Ёш олимлар ахборотномаси» – «Вестник молодых ученых» – «The Bulletin of Young Scientists» илмий-амалий ахборотномаси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январь «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси муассислигида ташкил этилган.

2. Муассиснинг манзили: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

Манзил: Тошкент, 100047, Яҳё Ғуломов кўчаси, 70.

Тел. +998(71) 233 50 33, +998(93) 594 14 02

3. Оммавий ахборот воситанинг номи: «Ёш олимлар ахборотномаси» – «Вестник молодых ученых» – «The bulletin of young scientists» илмий-амалий ахборотнома.

4. Тури: ахборотнома.

5. Тили: ўзбек, рус, инглиз.

6. Мақсад ва вазифалари:

– ёш олимларнинг инновацион ва илмий-назарий ютукларини оммавий ахборот воситалари орқали ҳар томонлама тарғиб-ташвиқ қилиш;

– маънавий юксалишда илмий изланишлар натижаларини ёритиш;

– жаҳон ҳамжамияти доирасида юзага келаётган глобаллашув ва модернизация, технологик ривожланиш ҳамда инновация ва илм-фан тараққиётининг замонавий долзарб муаммоларидан бўлган технологик тараққиёт ва унинг такомиллашувида, яъни жаҳон стандартлари даражасидаги юксак профессионал салоҳиятга эга бўлган кадрларни шакллантириш;

– ёш олимларнинг жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторларини тадқиқ этишдаги инновацион изланишлари асосида уларнинг истиқболини белгилаш;

| |
|---|
| – республиканинг истеъдодли ва салоҳиятли ёшларини олинган илмий изланишлар натижалари ҳамда мақолаларни ахборотномада ёритиб бориш; |
| –Ахборотнома аниқ, табиий, тиббий ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар тармоқлари бўйича ёш, профессионал етук кадрларини шакллантириш учун курашувчи, уларнинг интеллектуал салоҳиятини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, бу ғоялар тараққиётини таъминлаш, илм-фан ютуқларини кенг тарғиб қилишда зиёлилар, олимлар, мутахассислар ҳамда жамоатчи фаоллар учун матбуот минбари ролини бажаради. |
| 7. Ихтисослашуви: фанлараро, илмий-назарий ва амалий, чорак ахборотномаси. Кенг ўқувчилар оммаси – академик-лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ва ўрта махсус таълим талабалари ва профессор-ўқитувчилари, турли касб эгалари ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятининг барча соҳаси вакилларига мўлжалланган. |
| 8. Тарқатилиш ҳудуди: Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва белгиланган тартибда чет давлатлар. |
| 9. Даврийлиги: ҳар 3 ойда 1 марта, йилига 4 марта нашр этилади. |
| 10. Тиражи: 1000 нусхада. |
| 11. Таҳририят дизайн имконияти, журнал нашр этиш ҳуқуқига эга босмахона ва тарқатувчиси тўғрисида маълумот: ахборотнома макети Таҳририятнинг дизайн бўлимида тайёрланади. |
| 12. Ҳажми: қоғоз бичими 60 x 841/8, қоғоз ҳажми 10.0 босма табоқ, муқова 4 бет, ички матн 156 бет, жами 160 бет. |
| 13. Молиялаштириш манбалари: Устав фонди, ва бошқа конун билан тақиқланмаган маблағлар. |
| 14. Таҳририят манзили: Тошкент, 100052, Яҳё Ғуломов кўчаси, 70. |
| E-mail: yok_axborotnoma@mail.ru |
| |